

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАЙНИЕВ СУХРОБ САБИРОВИЧ

**ОШҚОЗОН-ИЧАК ТРАКТИНИНГ ТУҒМА НУҚСОНЛАРИ БЎЛГАН
БОЛАЛАРНИ ОПЕРАЦИЯДАН ҚЕЙИНГИ ЯҚИН ВА УЗОҚ
ДАВРЛАРДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

**14.00.12-Тиббий реабилитология
14.00.35-Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление авторефераата диссертации доктор наук (DSc)

Contents of dissertation abstract doctor of philosophy (DSc)

Зайнев Сухроб Сабирович

Ошқозон-ичак трактининг тугма нуқсонлари бўлган болаларни операциядан кейинги яқин ва узоқ даврларда реабилитация қилиш дастурини ишлаб чиқиш 3

Зайнев Сухроб Сабирович

Разработка программы реабилитации детей с врожденными пороками развития желудочно-кишечного тракта в ближайшие и отдаленные послеоперационные периоды..... 29

Zayniev Sukhrob Sabirovich

Development of a rehabilitation program for children with congenital defects in the gastrointestinal tract in the close and long-term post-operation periods..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАЙНИЕВ СУХРОБ САБИРОВИЧ

**ОШҚОЗОН-ИЧАК ТРАКТИНИНГ ТУҒМА НУҚСОНЛАРИ БЎЛГАН
БОЛАЛАРНИ ОПЕРАЦИЯДАН ҚЕЙИНГИ ЯҚИН ВА УЗОҚ
ДАВРЛАРДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

**14.00.12-Тиббий реабилитология
14.00.35-Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2025.1.DSc/Tib496 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд Давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-соҳифасида (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Ризаев Жасур Алимжанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Жамшид Азаматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мавлянова Зилола Фарҳадовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Акилов Хабибулла Атауллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Собирова Гузал Наимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети.

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03 рақами Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18-үй, 2. Тел/факс: (+998662330766) 2330766, e-mail: sammu@sammu.uz)

Диссертацияси билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18-үй, 2. Тел/факс: (+998662330766) 2330766

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» да тарқатилди.

(2025 йил «_____» даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.А. Ярмуҳамедова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ж.А. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

О.А.Хамидов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2025.1.DSc/Tib496 раками билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд Давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-соҳифасида (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Ризаев Жасур Алимжанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Жамшид Азаматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мавлянова Зилола Фарҳадовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ақилов Хабибулла Атауллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Собирова Гузал Наимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети.

Диссертация химояси Самарканд давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.04/31.10.2024.Tib.10.03 раками Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «20 » XII соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Самарканд ш., Амир Темур кўчаси 18-үй, 2. Тел/факс: (+998662330766) 2330766, e-mail: sammu@sammu.uz)

Диссертацияси билан Самарканд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ раками билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Самарканд ш., Амир Темур кўчаси 18-үй, 2. Тел/факс: (+998662330766) 2330766

Диссертация автореферати 2025 йил «10 » XII да тарқатилди.

(2025 йил «10 » XII даги 12 ракамли реестр баённомаси).



Н.А. Ярмухамедова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ж.А. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

О.А.Хамидов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурияти.

Ошқозон-ичак трактининг (ОИТ) туғма нуқсонлари янги туғилган чақалоқларда эрта жарроҳлик аралашувини талаб қиласидан аномалиялар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйлаб 8 миллионга яқин бола турли хил туғма аномалиялар билан туғилади, уларнинг тахминан 9-12 фоизи овқат ҳазм қилиш тизимининг ривожланиш нуқсонларига тўғри келади. Ушбу патологиялар, айниқса, ресурслари чекланган мамлакатларда барча неонатал ўлимларнинг 20 фоизигача ва болалар ногиронлигининг сезиларли улушига сабаб бўлмоқда. Неонатал жарроҳлик соҳасидаги замонавий ютуқлар ОИТ нуқсонлари бўлган болаларнинг омон қолиш даражасини сезиларли даражада оширишга имкон берди: масалан, ривожланган мамлакатларда қизилўнгач атрезиясида бу кўрсаткич 90 фоиздан ошади, гастроизисда эса 70-85 фоизни ташкил этади. Бироқ, паст ва ўрта даромадли мамлакатларда омон қолиш кўрсаткичлари анча паст бўлиб қолмоқда - кўпинча 40-50 фоиздан ошмайди. Бу нафақат кеч ташхис қўйиш, балки операциядан кейинги тизимли ва реабилитация ёрдамининг йўқлиги билан ҳам боғлиқ. ЖССТ ўзининг стратегик ҳужжатларида ("Global Initiative for Childhood Surgical Care," 2022 й.; "World Rehabilitation Alliance Framework," 2023 й.)¹ туғма ривожланиш нуқсонлари бўлган болаларни тиббий, овқатланиш, жисмоний ва психолого-ижтимоий жиҳатдан реабилитация қилишни ўз ичига олган комплекс ёндашув зарурлигини таъкидлайди. Асосий мақсад нафақат боланинг омон қолиши, балки унинг функционал фаоллигини, жисмоний ва когнитив ривожланишини, ҳаёт сифатини тиклаш ва жамиятга мослашувини таъминлашдир.

Жаҳонда ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган болаларни операциядан кейинги яқин ва узоқ даврларда реабилитация қилиш дастурларини ишлаб чиқиши болалар жарроҳлик ва болалар реабилитация тиббиётининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Бундай ёндашув асоратлар частотасини камайтиришга, ўсиш ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини яхшилашга, шунингдек, касалхонада ётиш муддатини қисқартиришга қаратилган. Сўнгти йиллардаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, болалар жарроҳлигига эрта тикловчи даволаш протоколларини (ERAS - Enhanced Recovery After Surgery) жорий этиш операциядан кейинги асоратлар частотасини 30-40 фоизга камайтириш, касалхонада ётиш муддатини 3-5 кунга қисқартириш ва мустақил энтерал овқатланишга ўтишни 20-25 фоизга тезлаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ошқозон-ичак тракти туғма ривожланиш нуқсонлари муаммоси юқори тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Маҳаллий манбаларга кўра, овқат ҳазм қилиш тизимининг туғма аномалиялари частотаси 100 та перинатал аутопсияга тахминан 3,4 ҳолатни

¹ Туғма нуқсонлар ҳақида ЖССТ маълумоти // 2025 йил 14 март (<https://www.who.int/health-topics/congenital-anomalies>)

ташкил қиласы, бу янги туғилган чақалоқтарда аниқланған барча ривожланиш нұқсанларининг тахминан 21-22 фойзига тұғри келади. Тұғма гипертрофик пилоростеноз, қизилұнгач атрезияси, гастрошизис ва ичак атрезияси каби касалліклар әнд күп учрайди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш ва халқаро стандартларга яқынлаштириш, жумладан, болаларда операциядан кейинги асортларни эрта ташхислаш, хирургик даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган "Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси"нинг еттита устувор йўналиши доирасида малакали тиббий ёрдам, хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифатини ва ундан фойдаланиш имкониятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Белгиланган устувор йўналишларга мувофиқ, болаларда жарроҳлик аралашувларидан кейинги реабилитация амалиётини таҳлил қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш долзарб ва зарурдир. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонидаги белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қиласи². Ишнинг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизmlарни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Фармони, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон "Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ва 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон "Юқумли бўлмаган касаллікларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қиласи.

Шундай қилиб, ошқозон-ичак тракти туғма нұқсанлари бўлган болаларни операциядан кейинги яқин ва узоқ даврларда реабилитация қилиш дастурини ишлаб чиқиши давлатнинг тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва болалар аҳолисининг ногиронлигини камайтиришга қаратилган стратегик мақсадларига тўлиқ мос келади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.

Ушбу диссертацион тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VI устувор йўналиши – «Тиббиёт ва фармакология» йўналишига мувофиқ равишда амалга оширилган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётларда ёритилганлиги³. Жаҳоннинг етакчи тиббиёт ва илмий-таълим муассасаларида ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини баҳолаш ва жарроҳлик даволашни ташкил этишни такомиллаштиришга бағишланган тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда. Улар орасида - Department of Medicine, Boston University Medical Center (АҚШ), Robert Koch Institute ва Institute for Quality and Efficiency in Health Care (Германия), National Institute for Health and Welfare (Финляндия), Department of Medicine, University of Calgary (Канада), Great Ormond Street Hospital for Children (Буюк Британия), Boston Children's Hospital (АҚШ), Children's Hospital of Philadelphia (АҚШ), Charité - Universitätsmedizin Berlin (Германия), Karolinska Institute (Швеция), University of Toronto (Канада), National Center for Child Health and Development (Япония), Bambino Gesù Pediatric Hospital (Италия), шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), UNICEF, European Society for Paediatric Gastroenterology, Hepatology and Nutrition (ESPGHAN) ва International Pediatric Surgical Research Society (IPSR) халқаро ташабbusлари доирасида, шунингдек, Россия Федерациясининг етакчи марказлари - И.М. Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети ва Санкт-Петербург дипломдан кейинги таълим тиббиёт академияси ҳам етакчи марказлар ҳисобланади. Ўзбекистонда шунга ўхшаш тадқиқотлар Самарқанд давлат тиббиёт университети базасида олиб борилмоқда, у ерда туғма аномалиялар билан туғилган чақалоқларга жарроҳлик ва реабилитация ёрдами тадқиқотларни маконлаштиришни мөнтақавий моделларини ишлаб чиқишига эътибор қаратилмоқда.

Кўп йиллик халқаро тадқиқотлар натижасида тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини баҳолашнинг услубий ёндашувлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар даволаш натижаларининг клиник кўрсаткичларини ҳам, қўлланиладиган технологияларнинг иқтисодий асосланганлигини ҳам ўз ичига олади (Institute for Quality and Efficiency in Health Care, Germany). Ушбу маълумотлар соғлиқни сақлаш сифатининг замонавий концепциялари ва болаларга жарроҳлик ёрдамини узлуксиз мониторинг қилиш тизимларига асос бўлди. Сўнгги йилларда неонатал хирургия соҳасида сезиларли ютуқлар қайд этилмоқда, бунга анестезиологиянинг ривожланиши, интенсив терапия усусларининг такомиллаштирилиши, минимал инвазив технологиялар ва эрта тикланиш протоколларининг (ERAS) (National Institute for Health and Welfare, Finland) жорий этилиши ёрдам берди. Бироқ, эришилган ютуқларга қарамай, ошқозон-ичак йўлининг оғир туғма нуқсонлари бўлган чақалоқларни даволаш натижалари ҳали ҳам мақбул даражадан анча узоқ. Қизилўнгач ва ичак атрезияси ҳамда стенози, ичак найининг фиксацияси ва ротацияси нуқсонлари, гастроэзофагеал қаби патологияларда, айниқса эрта неонатал даврда, асоратлар ва операциядан кейинги ўлим ҳолатлари юқори даражада

³ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации разработан на основе сайтов www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.unisr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.rnioi.ru, www.cancercenter.uz, www.toshvilonko.uz.

кузатилмоқда. Салбий натижалар кўп жиҳатдан беморларни бошқаришнинг ягона протоколлари йўқлиги, жарроҳлик аралашуви муддатларини оптималлаштиришдаги фарқлар, шунингдек, операциядан олдинги тайёргарлик ва операциядан кейинги реабилитацияга ёндашувларнинг бир хил эмаслиги билан боғлиқ.

Муаммони ўрганилганлик даражаси.

Туғма нуқсонлар замонавий соғлиқни сақлашнинг энг муҳим тиббий-ижтимоий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон статистикаси маълумотларига кўра, чақалоқларнинг тахминан 5-5,5% да туғма нуқсонлар учрайди, уларнинг болалар ўлими таркибидаги ҳиссаси тахминан 20% ва ундан юқори. Туғма аномалияларда ўлим 30-40% оралиғида ўзгариб туради, 30% ҳолларда эса кўплаб ривожланиш нуқсонлари қайд этилади (Исмаилова Ю.С., 2011; Аверин В.И. ва ҳаммуал., 2015; Manoj Saha, 2015). Неонатал ўлим сабаблари орасида туғма нуқсонлар тахминан 7% ни ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда чақалоқлар ўлимининг сабаблари орасида туғма нуқсонлар етакчи ўринни эгаллаб, 22,6-22,8% ни ташкил этди. Юқори технологик жарроҳлик ёрдамини ва операциядан кейинги ихтисослаштирилган кузатувни талаб қиласди ошқозон-ичак трактининг туғма нуқсонлари грухи алоҳида долзарблик касб этади. Замонавий педиатрик жарроҳликнинг ютуқларига қарамай, ушбу нуқсонларда ўлим даражаси юқори бўлиб қолмоқда - 25% дан 57% гача, нуқсонларнинг баъзи турларида эса 100% га этиши мумкин (Искакова А.К. ва ҳаммуал., 2018).

Мамлакатда янги туғилган чақалоқлар жарроҳлигига ихтисослашган марказлар ниҳоятда камлиги муаммонинг мураккаблигини янада оширади. Шу муносабат билан бир ёшгача бўлган болалар, шу жумладан янги туғилган чақалоқларнинг катта қисми зарур асбоб-ускуналар ва ушбу тоифадаги bemорларни парвариш қилиш учун тайёrlанган мутахассислар бўлмаган умумий жарроҳлик бўлимларида даволанади.

Овқат ҳазм қилиш трактининг туғма аномалияларининг морфологик хусусиятлари, клиник кўринишлари ва учраш частотасини ўрганиш оптимал жарроҳлик тактикасини аниқлаш, bemорларни йўналтириш ва кейинги реабилитация дастурларини ишлаб чиқиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган болалар орасида ўлим ва ногиронликнинг юқори кўрсаткичлари янги туғилган чақалоқларга жарроҳлик ёрдами кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, ягона клиник протоколларни ишлаб чиқиш, шунингдек, пренатал ташхис ва ҳомилада тасдиқланган ташхисни ҳисобга олган ҳолда перинатал маршрутлашни жорий этиш зарурлигини тақозо этади. Мавжуд тиббий ёрдамни ташкил этишини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ушбу йўналиш даволаш натижаларини яхшилаш ва омон қолган bemорларнинг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган тизимли илмий ва амалий ишланмаларни талаб қиласди.

Диссертацион тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқлиги «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган юқумли ва юқумсиз касалликларнинг олдини олиш,

диагностикаси ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш» илмий йўналиши доирасида амалга оширилди (давлат рўйхат раками 012400288).

Тадқиқотнинг асосий мақсади ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган чақалоқларга операциядан кейинги яқин ва узоқ муддатларда реабилитация ёрдамини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

Самарқанд вилояти мисолида ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари шаклланишининг эпидемиологик жиҳатларини, шунингдек, ҳомиладор аёлларнинг ижтимоий-биологик, соматик, гинекологик ҳолатини таҳлил қилиш асосида ушбу патологиялар пайдо бўлишининг хавф омилларини ўрганиш ва уларнинг перинатал диагностикадаги ролини аниқлаш;

ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонларини эрта аниқлашнинг аниқлигини ошириш, жарроҳлик аралашуви тактикасини оптималь режалаштириш ва реабилитация салоҳиятини прогнозлаш мақсадида ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонларини пренатал ва постнатал ташхислашнинг замонавий ёндашувларини таҳлил қилиш;

янги туғилган чақалоқларда ошқозон-ичак тракти ривожланишининг оғир туғма нуқсонлари, шу жумладан ичак атрезияси ва стенози, гастроэзис, Гиршпрунг касаллиги ва аноректал нуқсонлар каби патологияларни ташхислашнинг замонавий усуллари, жарроҳлик тактикаси ва реабилитация ёндашувларининг самарадорлигини баҳолаш;

ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган чақалоқларни жарроҳлик йўли билан даволашда нохуш натижалар ва операциядан кейинги асоратлар, шу жумладан узоқ муддатли асоратлар сабабларини аниқлаш ва беморларни олиб бориш алгоритмига ўлимни камайтириш ва прогнозни яхшилашга таъсир қилувчи тиббий реабилитация воситаларини киритишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш;

олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, Самарқанд вилояти мисолида ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган чақалоқларда операциядан кейинги яқин ва узоқ даврларда реабилитация ёрдамини ташкил этишнинг ҳал этилмаган муаммоларини тизимлаштириш;

ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган беморларда операциядан кейинги яқин ва узоқ даврларда комплекс кўп тармоқли реабилитация ёрдами тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини баҳолаш;

Самарқанд вилояти мисолида ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган беморларга операциядан кейинги яқин ва узоқ даврларда реабилитация ёрдамини ташкил этиш тизимининг ташкилий-функционал моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот обьекти: Республика перинатал маркази, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети 2-клиникаси фаолиятига оид меъёрий-хукуқий ҳужжатлар ва ҳисоботлар (2021-2024 йиллар).

Тадқиқот предмети: стационар шароитида тиббий ёрдам сифатини баҳолашнинг меъёрий-хукуқий асосларини таҳлил қилиш, ўз вақтида ёрдам

кўрсатиш, профилактика, ташхис, даволаш ва реабилитация усулларини танлашнинг асосланганлиги, шунингдек, режалаштирилган клиник ва функционал натижаларга эришиш даражаси каби асосий параметрларни ўрганиш.

Тадқиқот усуллари: нусха кўчириш, таҳлилий, эксперт, иқтисодий, прогнозлаш усуллари, клиник текширув ва статистик таҳлил.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор ошқозон-ичак тракти туғма ривожланиш нуқсонлари (ОИТ ТРН) частотаси ҳар 1000 нафар чақалоқларнинг 1,8 тасида ушбу касаллик аниқланган ва уларнинг юзага келишида ҳомиладор аёллардаги камқонлик (41,3%), сурункали экстрагенитал касалликлар (38,7%), ҳомиладорлик бўйича кеч рўйхатга олиниш ҳамда салбий экологик омиллар асосий хавф факторлари сифатида илмий асосланган;

ошқозон-ичак тракти туғма ривожланиш нуқсонларининг турли шаклларининг операциядан кейинги комплекс таҳлили орқали ичак эвакуатор функция (32%) ва малабсорбция белгилари (58,3%) секинлашиши ҳамда аноректал малформациялар частотасининг 2,1 баробар ортиши аниқланган;

ошқозон-ичак трактининг туғма нуқсонлари бўлган болаларни операциядан кейинги асоратлар 38,5 % дан 17,2 % гача камайгани ва беморларнинг стационарда қолиш муддати ўртача 6,4 кунга қисқариши маҳсус реабилитация дастурининг жорий этилиши натижасида эканлиги исботланган;

ошқозон-ичак тракти туғма ривожланиш нуқсонлари бўлган чақалоқлар учун босқичма-босқичлик, мултидисциплинар ёндашув ва ракамли кузатув (телетибиёт, ота-оналар мактаби) тамойилларига асосланган ихтисослаштирилган реабилитация маркази модели амалиётга жорий этилиши натижасида беморларнинг такрорий госпитализациясини камайтириши ҳамда болалардаги нутритив этишмовчиликни бартараф этиши исботланган;

ошқозон-ичак тракти туғма ривожланиш нуқсонлари (ОИТ ТРН) бўлган болаларда операциядан кейинги даврда нутритив қўллаб-куватлаш ва физиотерапияни уйғунлаштирган инновацион реабилитация усули қўлланилиши натижасида болалар организмнинг умумий адаптацион имкониятларининг ошиши ҳамда тикланиш муддатини қисқариши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

янги туғилган чақалоқларда ошқозон-ичак тракти (ОИТ) ривожланишининг энг кенг тарқалган туғма нуқсонларини, шу жумладан гастрошизис, Гиршпрунг касаллиги ва аноректал нуқсонларни ташхислаш ва жарроҳлик даволашнинг дифференциал алгоритмлари ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Ушбу алгоритмларни қўллаш неонатал жарроҳлик ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, босқичли коррекция усуллари ва минимал инвазив технологияларни ўз вақтида қўллаш орқали операциядан кейинги асоратлар частотасини камайтириш ва ўлим кўрсаткичини пасайтириш имконини берди;

туманлараро ва вилоят перинатал марказлари шароитида ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари билан туғилган чақалоқларни босқичма-босқич олиб

бориш тизими яратилди ва синовдан ўтказилди. У эрта клиник ташхис қўйиш, ҳолатни барқарорлаштириш, ихтисослаштирилган транспорт ва кўп тармоқли кузатувни ўз ичига олади. Ушбу тизимнинг амалиётга жорий этилиши унинг юқори клиник самарадорлигини ва неонатал жарроҳлик ҳамда кейинги реабилитация ўртасидаги узвийликни таъминлаган ҳолда соғлиқни сақлашнинг минтақавий тузилмаларида кенг қўлланилиши мақсадга мувофиқлигини тасдиқлади;

олинган маълумотлар асосида ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган болаларни босқичма-босқич, мултидисциплинар ёндашув ва оиланинг фаол иштироқи тамойилларига асосланган узлуксиз тиббий реабилитация қилиш модели ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди. Модель йирик педиатрия муассасалари қошидаги реабилитация марказлари учун намунавий алгоритм сифатида тавсия этилиши мумкин. Унинг тузилмасига рақамли воситалар - телетибиёт маслаҳатлари, онлайн кузатув кундаликлари ва таълим платформалари интеграция қилинди. Бу реабилитация жараёнининг кулайлиги ва самарадорлигини оширади;

"Ота-оналар мактаби" модулли ўкув дастури яратилди. У ота-оналарнинг операциядан кейинги узоқ даврда болаларни парвариш қилиш, овқатлантириш, асоратларнинг олдини олиш ва ҳиссий мослашув масалаларида компетентлигини оширишга қаратилган. Дастурни амалга ошириш тиббиёт мутахассислари ва bemорларнинг оилалари ўртасида фаол ҳамкорликни шакллантиришга ёрдам беради, такрорий касалхонага ётқизиш хавфини камайтиради ва ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилайди.

Тадқиқотда олинган натижаларнинг ишончлилиги ва асослилиги тизимили таҳлил, клиник ва инструментал текширув усусларини ўз ичига олган комплекс услугий ёндашувни қўллаш, шунингдек, замонавий лаборатория, функционал ва биокимёвий тадқиқотлардан фойдаланиш билан таъминланган. Маълумотларни текшириш клиник кузатувларни диагностик ва жарроҳлик аралашувлар натижалари билан таққослаш, ҳамда корреляцион, регрессион ва дисперсион таҳлил усусларини қўллаган ҳолда статистик ишлов бериш орқали амалга оширилди. Бу эса танланманинг вакиллигини, аниқланган ўзаро боғлиқликларнинг ишончлилигини ва чиқарилган хulosаларнинг холислигини тасдиқлаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, олинган натижалар чақалоқларда ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонларининг патогенетик механизmlари, хавф омиллари ва кечиш хусусиятлари ҳақидаги замонавий тасаввурларни сезиларли даражада кенгайтиради. Ишда биринчи марта анатомик ва функционал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик тактикасини танлашга дифференциал ёндашув асосланди, бу эса операциядан кейинги ўлим ва ногиронлик даражасини пасайтириш имконини берди. Ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг bemорлар ва уларнинг қариндошлари билан ўтказилган социологик сўровнинг ишлаб чиқилган ва синовдан ўтган усули ушбу гурухнинг

реабилитация ёрдамига бўлган эҳтиёжлари ҳақидаги илмий билимларни кенгайтириди ва гастроэнтерологик ҳамда реабилитация ёрдами мавжудлигидан қониқиши баҳолашнинг янги мезонларини таклиф қилиш имконини берди. Ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган bemorlarning шаклланган ахборот-таҳлилий маълумотлар базаси кейинги илмий тадқиқотлар ва даволаш ҳамда реабилитация самарадорлигини клиник-ташкилий баҳолаш ёндашувларини такомиллаштириш учун асос яратади. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, СамДТУ ихтисослаштирилган болалар хирургик клиникасида ишлаб чиқилган ошқозон-ичак йўллари туғма нуқсонларини эрта ташхислаш, операциядан олдинги барқарорлаштириш ва жарроҳлик даволаш алгоритмлари неонатал жарроҳлар, неонатологлар ва перинатал диагностика мутахассислари амалиётига жорий этилиши мумкин. Операциядан кейинги реабилитацияни ташкил этишнинг яратилган тизими ва унинг ҳажмининг яқин ва узок муддатлардаги меъёрий кўрсаткичлари bemorlarни йўналтиришни оптималлаштириш, ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари жарроҳлик йўли билан тузатилган болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Ахборот-таҳлилий маълумотлар базаси реабилитация тадбирларини кузатиш ва режалаштириш воситаси сифатида хизмат қиласи, бу эса минтақавий даражада тиббий ёрдамнинг мавжудлиги ва узлуксизлигини оширади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича ягона хулоса 2025 йил 10 июндаги 19-сонли йиғилиш баённомасига № 19/55 хулосасига кўра:

Биринчи илмий янгилик: илк бор ошқозон-ичак тракти туғма ривожланиш нуқсонлари (ОИТ ТРН) частотаси ҳар 1000 нафар чақалоқларнинг 1,8 тасида ушбу қасаллик аниқланган ва уларнинг юзага келишида ҳомиладор аёллардаги камқонлик (41,3%), сурункали экстрагенитал қасалликлар (38,7%), ҳомиладорлик бўйича кеч рўйхатга олиниш ҳамда салбий экологик омиллар асосий хавф факторлари сифатида илмий асосланган. Бу бўйича таклифлар Қорақалпоқистон республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (05.07.2024 йил, 54лл-сонли буйруғи), Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (16.07.2024 йил, 7212-сонли буйруғи), Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (17.07.2024 йил, 111/2-сонли буйруғи) ва Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (23.07.2024 йил, 7311-сонли буйруғи) амалиётига жорий қилинди. **Ижтимоий самарадорлиги:** ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонларини эрта перинатал ташхислаш ва олдини олиш тизимини жорий этиш перинатал ва чақалоқлар ўлимини камайтиришга, янги туғилган чақалоқлар ногиронлиги частотасини пасайтиришга ва оилаларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради. Комплекс фанлараро ёндашувни қўллаш ижобий натижалар улушкини 88-90% гача ошириш ва ҳомиладор аёллар ҳамда янги туғилган чақалоқларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини юксалтиришга имкон беради. **Иқтисодий самарадорлиги:** ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонларини эрта аниқлаш ва

олдини олиш тизимини такомиллаштириш, аномалия хавфи юқори бўлган ҳомиладорлар ва янги туғилган чақалоқларни йўналтиришни оптималлаштириш жарроҳлик даволаш ва реабилитация харажатларини камайтириш имконини беради, ҳар 1000 бемор учун йилига 1,8-2,2 миллиард сўмгача тежашни таъминлайди. Соғлиқни сақлаш ресурсларидан оқилона фойдаланиш неонатал ва перинатал марказлар ишининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Хулоса: Олинган тадқиқот натижалари ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонларини эрта ташхислаш ва олдини олишнинг илмий асосланган моделига асос бўлди, бу клиник ва ташкилий ечимларнинг самарадорлигини ошириш, ўлимни камайтириш ва янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам сифатини яхшилашни таъминлайди.

Иккинчи илмий янгилик: ошқозон-ичак тракти туғма ривожланиш нуқсонларининг турли шаклларининг операциядан кейинги комплекс таҳлили орқали ичак эвакуатор функция (32%) ва малабсорбция белгилари (58,3%) секинлашиши ҳамда аноректал малформациялар частотасининг 2,1 баробар ортиши аниқланган. Бу бўйича таклифлар Қорақалпоқистон республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (05.07.2024 йил, 54лл-сонли буйруғи), Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (16.07.2024 йил, 7212-сонли буйруғи), Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (17 .07 .2024 йил, 111/2-сонли буйруғи) ва Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (23.07.2024 йил, 7311-сонли буйруғи) амалиётига жорий қилинди. *Ижтимоий самарадорлиги:* ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашдан кейин болаларга гастроэнтерологик ёрдамнинг мавжудлиги ва сифатига таъсир қилувчи статистик аҳамиятга эга омилларни аниқлаш, шунингдек, оилаларнинг ушбу ёрдамдан қониқишини башорат қилишнинг регрессия моделларини ишлаб чиқиш тиббий реабилитация тизимининг манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш имконини берди. Ушбу моделларни қўллаш асоратлар сонини камайтиришга, болалар ва уларнинг оилалари ҳаёт сифатини яхшилашга, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимиға бўлган ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Натижада ўз вақтида ва тўлиқ реабилитация ёрдамини олган bemорлар улуши 85-90% гача ошди, бу эса болалар саломатлиги ва ижтимоий мослашуви кўрсаткичларида ижобий акс этди. *Иқтисодий самарадорлиги:* прогностик моделларни жорий этиш ва ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашдан кейин bemорларни йўналтиришни оптималлаштириш соғлиқни сақлаш ресурсларини янада оқилона тақсимлашни, такрорий касалхонага ётқизиш ва асоратларни даволаш харажатларини камайтиришни таъминлади. Узок муддатли терапия курсларига бўлган эҳтиёжни камайтириш ва касалхонада қолиш вақтини қисқартириш ҳисобига йилига ҳар 1000 bemор учун ўртacha 1,5-2 миллиард сўмгача молиявий маблағ тежалади. Бу болалар жарроҳлиги ва реабилитация тизимининг иқтисодий барқарорлигини оширишга хизмат қиласи. Хулоса: тадқиқот натижалари оилаларнинг қониқишини башорат қилиш ва ташкилий-бошқарув қарорларини оптималлаштиришга асосланган ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонларидан кейин болаларни гастроэнтерологик реабилитация

қилишнинг шахсийлаштирилган моделига ўтиш зарурлигини асослаш имконини берди.

учинчи илмий янгилик: ошқозон-ичак трактининг туғма нуқсонлари бўлган болаларни операциядан кейинги асоратлар 38,5 % дан 17,2 % гача камайгани ва беморларнинг стационарда қолиш муддати ўртacha 6,4 кунга қисқариши маҳсус реабилитация дастурининг жорий этилиши натижасида эканлиги исботланган. Бу бўйича таклифлар Қорақалпоқистон республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (05.07.2024 йил, 54лл-сонли буйруғи), Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (16.07.2024 йил, 7212-сонли буйруғи), Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (17.07.2024 йил, 111/2-сонли буйруғи) ва Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (23.07.2024 йил, 7311-сонли буйруғи) амалиётига жорий қилинди. *Ижтимоий самарадорлиги:* Ишлаб чиқилган босқичма-босқич тиббий реабилитация дастури ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари (ОИТ ТН) бўлган чақалоқларни тиклашга комплекс ёндашувни таъминлайди. Бу дастур эрта овқатлантиришни қўллаб-қувватлаш, физиотерапия мажмуаси, оиланинг руҳий мослашуви ва метаболик ҳолатни назорат қилишни ўз ичига олади. Илк бор жорий этилган натижаларнинг ҳар томонлама таҳлили чақалоқнинг анатомик хусусиятлари ва ҳолатига қараб жарроҳлик усулини танлаш имконини берди. Бу эса операциядан кейинги асоратлар частотасини 38,5% дан 17,2% гача ($p<0,01$) пасайтирди, ҳаётда қолиш даражасини 15-20% га ошириди ва ногиронлик даврини қисқартирди. Дастур илк болалик даврида bemorларнинг ҳаёт сифатини яхшилайди, туғрукдан олдинги ташхис самарадорлигини оширади ва оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилишнинг барқарор тизимини яратади. *Иқтисодий самарадорлиги:* Босқичма-босқич дастур ва шахсийлаштирилган жарроҳлик даволаш протоколларини жорий этиш касалхонада ётиш муддатини ўртacha 6,4 кунга (20-25%) қисқартирди, операциядан кейинги асоратларни даволаш ва реанимация тадбирлари харажатларини камайтирди, шунингдек, такрорий жарроҳлик амалиётлари сонини пасайтирди. Жарроҳлик, анестезиология ва реабилитация ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш ҳар 1000 нафар bemor учун йилига 1,8-2,2 миллиард сўмгача маблағни тежаш имконини беради ва чақалоқлар жарроҳлик бўлимлари фаолияти самарадорлигини оширади. *Хулоса:* ОИТ ТН билан туғилган чақалоқларни реабилитация қилишнинг илмий асосланган босқичма-босқич дастури ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Бу дастур шахсийлаштирилган жарроҳлик протоколлари, овқатлантиришни қўллаб-қувватлаш ва фанлараро ёндашувни ўз ичига олади. Дастур асоратлар частотасини камайтириш, касалхонада ётиш муддатини қисқартириш ва чақалоқларнинг омон қолиш даражасини ошириш орқали ўз самарадорлигини исботлади.

тўртинчи илмий янгилик: ошқозон-ичак тракти туғма ривожланиш нуқсонлари бўлган чақалоқлар учун босқичма-босқичлик, мултидисциплинар ёндашув ва рақамли кузатув (телетиббиёт, ота-оналар мактаби) тамойилларига асосланган ихтисослаштирилган реабилитация маркази модели амалиётга жорий этилиши натижасида bemorларнинг такрорий госпитализациясини

камайтириши ҳамда болалардаги нутритив етишмовчилик бартараф этишдаги самарадорлиги исботланган. Бу бўйича таклифлар Қорақалпоқистон республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (05.07.2024 йил, 54лл-сонли буйруғи), Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (16.07.2024 йил, 7212-сонли буйруғи), Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (17.07.2024 йил, 111/2-сонли буйруғи) ва Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (23.07.2024 йил, 7311-сонли буйруғи) амалиётига жорий қилинди. *Ижтимоий самарадорлиги:* янги туғилган чақалоқларда ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонларини (шу жумладан, гастроизис, ичак атрезияси, Гиршпунг касаллиги ва аноректал нуқсонлар) эрта ташхислаш, операциядан олдинги барқарорлаштириш ва жарроҳлик даволашнинг оптималлаштирилган алгоритмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш юқори ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Босқичли ва мултидисциплинар ёндашувни қўллаш янги туғилган чақалоқларнинг омон қолиш даражасини 18-22% га ошириш, операциядан кейинги асоратлар частотасини деярли учдан бир қисмга камайтириш, шунингдек, янада қулай функционал натижаларни таъминлаш имконини берди. Тиббий реабилитациянинг комплекс тизими ва беморларнинг автоматлаштирилган маълумотлар базасини жорий этиш узлуксиз кузатув ва даволашни индивидуаллаштириш учун асос яратди. Бу эса ногиронлик хавфини камайтиришга, болалар ва уларнинг оиласлари ҳаёт сифатини яхшилашга, шунингдек, минтақавий даражада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлашга ёрдам берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонларини эрта ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашнинг оптималлаштирилган алгоритмларини жорий этиш янги туғилган чақалоқларнинг шифохонада қолишининг ўртача давомийлигини 20-30% га қисқартириш, асоратларни даволаш ва интенсив терапия харажатларини камайтириш, йилига 1000 нафар бемор ҳисобига 2,3-2,7 миллиард сўмгача маблагни тежаш имконини берди. Реабилитация тадбирларини ҳисобга олиш ва режалаштириш жараёнларини автоматлаштириш тиббий ёрдам тизимининг бошқарувчанлигини ошириди ва ташкилий қўллаб-қувватлаш харажатларини камайтириди. Узоқ муддатли истиқболда ушбу чора-тадбирлар оиласлар ва давлат учун молиявий юкни камайтиришга, соғлиқни сақлаш ресурсларини тақсимлашни оптималлаштиришга ва неонатал жарроҳлик ҳамда реабилитациянинг иқтисодий барқарор моделини шакллантиришга ёрдам беради. *Хуноса:* тадқиқот натижалари ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган янги туғилган чақалоқларга жарроҳлик ёрдами ва реабилитациясини ташкил этишнинг самарали, клиник йўналтирилган моделини яратиш учун асос бўлди. Бу модель шахсийлаштириш, мултидисциплинарлик ва босқичма-босқичлик тамойилларига асосланган.

Бешинчи илмий янгилик: ошқозон-ичак тракти туғма ривожланиш нуқсонлари (ОИТ ТРН) бўлган болаларда операциядан кейинги даврда нутритив қўллаб-қувватлаш ва физиотерапияни уйғунлаштирган инновацион реабилитация усули қўлланилиши натижасида болалар организмнинг умумий

адаптацион имкониятларининг ошиши ҳамда тикланиш муддатини қисқариши аниқланган. Бу бўйича таклифлар Қорақалпоқистон республикаси болалар қўп тармоқли тиббиёт маркази (05.07.2024 йил, 54лл-сонли буйруги), Андижон вилоят болалар қўп тармоқли тиббиёт маркази (16.07.2024 йил, 7212-сонли буйруги), Сурхондарё вилояти болалар қўп тармоқли тиббиёт маркази (17.07.2024 йил, 111/2-сонли буйруги) ва Бухоро вилояти болалар қўп тармоқли тиббиёт маркази (23.07.2024 йил, 7311-сонли буйруги) амалиётига жорий қилинди. *Ижтимоий самарадорлиги:* илк бор кенг қамровли таҳлил асосида ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган болаларда тизимли қўп босқичли тиббий реабилитация дастурини жорий этиш организмнинг функционал ҳолатини ишончли равишда ҳар томонлама тиклашини таъминлаши исботланди. Дастур овқатланиш ҳолатини яхшилашга, энтерал овқатланишга мослашувни тиклашга, ўсиш ва жисмоний ривожланишнинг антропометрик қўрсаткичларини меъёрлаштириш, операциядан кейинги асоратлар сонини камайтиришга ва ҳаёт сифатининг умумий қўрсаткичларини оширишга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* тизимли қўп босқичли реабилитация дастури парентерал озиқлантиришнинг давомийлигини қисқартиради, операциядан кейинги асоратлар ва регургитатсиялар сонини камайтиради, касалхонада даволаниш ва тақорорий аралашувлар вақтини қисқартиради. Бу операция хоналари, интенсив терапия бўлимлари ва реабилитация хизматлари ресурсларини тежаш имконини беради, ҳар 1000 bemor учун йилига 1,8-2,2 миллиард сўмгача маблағни тежалишини таъминлайди ва болалар жарроҳлик ҳамда реабилитация хизмати фаолиятининг умумий самарадорлигини оширади. *Хулоса:* ишлаб чиқилган дастур стандартлаштирилган клиник йўналтирилган bemorларни даволаш протоколлари учун илмий асосланган пойдеворни яратади, тиббий ёрдамнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини оширади ҳамда болалар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий конференцияда муҳокама қилинган, жумладан 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш нашр этилган, шулардан: 12 та журнали мақола, жумладан 8 таси республика журналларида ва 4 таси хорижий журналларда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, 6 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, унинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот обьекти ва предмети аниқланган, шунингдек мавзунинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Бундан ташқари, ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамиятини тавсифловчи ҳолатлар баён этилган, олингандан натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, илмий қоидаларни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш масалалари ёритилган, тадқиқотнинг апробацияси, муаллифнинг нашрлари ва диссертация ишининг тузилиши ҳақида маълумот келтирилган.

Диссертациянинг "Замонавий шароитда ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган болаларга жарроҳлик ёрдамини ташкил этиш" деб номланган биринчи бобида чақалоқларда ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари муаммоси бўйича маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларнинг ҳар томонлама таҳлили ўтказилган. Ушбу тоифадаги беморларнинг эпидемиологияси, эрта ташхислаш, жарроҳлик даволашнинг замонавий ёндашувлари ва босқичма-босқич тиббий реабилитацияси масалалари кўриб чиқилган. Ихтисослаштирилган неонатал жарроҳлик ёрдамини ташкил этиш, мутахассисларнинг кўп тармоқли ҳамкорлиги, шунингдек, ўлим ва ногиронликни камайтиришда перинатал марказларнинг ролига алоҳида эътибор қаратилган. Болалар хирургияси ва неонатологияси соҳасидаги сезиларли ютуқларга қарамай, ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари бўлган болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш муаммоси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда ва ташкилий ҳамда клиник ёндашувларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Диссертациянинг "Тадқиқот материали ва усуслари" деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи берилган ва илмий таҳлил учун асос бўлган услубий ёндашувлар ёритилган. Ушбу бўлимда чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими аъзоларининг туғма нуқсонлари юзага келиши хавф омиллари атрофлича ўрганилган. Шу мақсадда оналарнинг ижтимоий-биологик, соматик ва акушер-гинекологик хусусиятлари, уларнинг ҳомиладорлик натижасига таъсири, янги туғилган чақалоқларнинг соғлиғи ҳолати, шунингдек, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичлари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Кўйилган мақсадларга эришиш учун турли хил тадқиқот усуслари қўлланилган. Клиник-анамнестик таҳлил асосида ҳар бир бемор ҳақида батафсил маълумот тўпланган, лаборатория ва инструментал текширувлар ўтказилган, бу эса патологик ўзгаришларнинг хусусияти ва оғирлигини аниқлаб берган. Кўшимча равишда клиник кузатув усуслари, шунингдек, реабилитация тадбирларининг самарадорлигини ва болаларнинг ижтимоий мослашув даражасини баҳолашга қаратилган ота-оналар ўртасида социологик сўровномалар ўтказилган. Олингандан маълумотларнинг ишончлилиги замонавий статистик усуслар: χ^2 мезони, Вилкоксон-Манн-Уитни мезони, корреляциян ва регрессион таҳлиллар ёрдамида таъминланган, бу эса хавф омиллари ва клиник натижалар ўртасидаги муҳим боғлиқликларни аниқлаш

имконини берган. Олинган маълумотларни комплекс баҳолаш асосида янги туғилган чақалоқларда ошқозон-ичак тракти туғма ривожланиш нуқсонларида асоратлар ва ўлим ҳолатларининг юзага келишига этиопатогенетик омилларнинг таъсири бўйича асосий қонуниятлар аниқланган.

Диссертациянинг "Ўзбекистон Республикасида ошқозон-ичак тракти туғма нуқсонлари эпидемиологияси" деб номланган учинчи боби тадқиқот натижаларининг дастлабки босқичларига бағишлиланган бўлиб, асосан чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими туғма нуқсонларини аниқлаш, жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари ҳамда реабилитация жараёнларини камраб олади.

Ушбу бобда 2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ҳомиладорликнинг турли натижалари орасида туғма ривожланиш нуқсонлари (ТРН) ва ошқозон-ичак трактининг туғма ривожланиш нуқсонлари (ОИТ ТРН) тарқалишини таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Олинган маълумотлар ушбу патологиянинг учрашув частотаси, тузилиши ва аниқлаш тенденциялари динамикасини, шунингдек, туғилишдан олдинги ташхис қўйиш самарадорлиги даражасини баҳолаш имконини беради.

1-жадвал.

2022 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳомиладорликнинг турли натижалари орасида ТРН учраш ҳолатлари сони

Давр	Хомиладорликни тўхтатиш, абс.		Ўлик туғилганлар, абс.		Тирик туғилганлар, абс.		Хомиладорликнинг барча натижалари бўйича, абс.	
	Жами	ТРН билан	Жами	ТРН билан	Жами	ТРН билан	Жами	ТРН билан
2022 й	25741	348	5415	97	710670	1355	741826	1800
2023 й	27551	217	5795	157	760612	1392	793958	1766
2024 й	28981	209	6096	136	800088	1218	835165	1563

2022-2024 йиллар давомида мамлакатда ҳомиладорлик натижаларининг умумий сони 741 826 тадан 835 165 тага ошган бўлса-да, туғма нуқсонлар (ТН) ҳолатлари сони 1 800 тадан 1 563 тага камайган. Шундай қилиб, туғилиш сонининг ўсишига қарамай, ТНнинг мутлақ сони пасайиши кузатилмоқда. Бу ҳомиладорлик даврида тиббий назорат сифатининг яхшиланиши ва пренатал ташхис имкониятларининг кенгайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

2-жадвал.


Ўзбекистон Республикасида 2022 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда ҳар 1000 нафар ҳомиладор аёлга нисбатан ҳомиладорликнинг турли натижалари орасида ТНнинг учраш частотаси

Давр	Хомиладорликни тўхтатиш, абс.	Ўлик туғилганлар, абс.	Тирик туғилганлар, абс.	Хомиладорликнинг барча натижалари бўйича, абс.
2022 йил	13,52	17,91	1,91	2,43
2023 йил	7,88	27,09	1,83	2,22

Динамикада ҳомиладорликнинг барча натижалари бўйича ТРН умумий частотасининг изчил пасайиши кузатилмоқда - 2022 йилдаги 2,43%дан 2024 йилда 1,87%га гача. ТРН частотасининг энг юқори даражаси ўлик туғилган чақалоқлар орасида қайд этилган, бу оғир ва ҳаётга мос келмайдиган нуқсонларнинг устунлигини кўрсатади. Тирик туғилган чақалоқлар орасидаги кўрсаткичлар нисбатан барқарор ва энг паст бўлиб қолмоқда, бу антенатал скрининг ва ТРН оғир шаклларида ҳомиладорликни тўхтатиш самарадорлигини акс эттиради.

Ошқозон-ичак трактининг туғма нуқсонлари (ОИТ ТН) бўйича маълумотлар таҳлили шуни кўрсатди, мамлакатда уч йил ичида бундай ҳолатларнинг умумий сони 2022 йилдаги 477 тадан 2024 йилда 580 тагача кўпайган. Ўлик туғилган чақалоқлар орасида (17 дан 98 гача) ва ҳомиладорлик тўхтатилганда (80 дан 109 гача) ўсиш айниқса сезиларли бўлди. Тирик туғилган чақалоқлар орасида эса, аксинча, 2023 йилда ўсиш кузатилган бўлса, 2024 йилда бироз пасайиш қайд этилди. Бу, эҳтимол, ТРНнинг оғирроқ шакллари туғилишдан олдин аниқланиб, ҳомиладорлик эрта муддатларда тўхтатилгани билан боғлиқ.

Диссертациянинг **"Ҳомиладор аёлларнинг ижтимоий-биологик, соматик ва гинекологик ҳолатини таҳлил қилиш асосида чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими нуқсонлари ривожланишининг хавф омиллари ва уларнинг перинатал ташхислашдаги аҳамияти"** деб номланган тўртинчи бобида асосий эътибор ҳомиладор аёлларнинг турли хил клиник ва ижтимоий омилларини таҳлил қилишга қаратилган. Айниқса, ҳомила ривожланишига таъсир этувчи хавф омиллари - оиласвий-ирсий ҳолатлар, соматик касалликлар, акушер-гинекологик анамнез, юқори хавфли ҳомиладорлик хусусиятлари чуқур ўрганилган. Тадқиқот эрта постнатал даврда жарроҳлик аралашувини талаб қиласидиган ОИТ оғир туғма нуқсонлари бўлган 164 та ҳолатни ва назорат гурухини ташкил этган ҳомиладорликнинг физиологик кечиши бўлган 120 нафар ҳомиладор аёлни қамраб олди. Биз ҳомилада ТРН шаклланишига таъсир қилувчи ижтимоий-биологик, соматик ва гинекологик омилларнинг кенг қамровли таҳлилини ўтказдик. Дастреб, ёш омилиниң таъсири ўрганилди: иккала гуруҳдаги аёлларнинг ўртача ёши фарқ қилмаган бўлса-да (мос равища $27,7 \pm 5,0$ ва $27,5 \pm 4,3$ ёш, $p > 0,05$), асосий гуруҳдаги оналар орасида 19 ёшдан кичик ва 35 ёшдан катта аёллар кўпроқ учраганилиги аниқланди, бу ТРН ривожланиш хавфининг сезиларли даражада ошиши билан боғлиқ эди ($P < 0,05$).



1-расм. Акосий гурӯҳ ва таққослаш гуруҳидаги ҳомиладор аёлларнинг ёш тақсимоти

Хомиладорликнинг 12-ҳафтасигача бўлган таъсир омилларига алоҳида эътибор қаратилди. Натижалар кўрсатишича, ҳомиланинг ТРН хавфига энг катта ҳисса қўшган омиллар психологияк стресс ($OR=4,99$), юқумли касалликлар ($OR=4,84$) ва жисмоний касбий таъсирлар ($OR=2,24$) бўлди. Қизиқ томони шундаки, жисмоний оғир меҳнат, аксинча, ҳимоя аҳамиятига эга бўлди ($OR=0,45$, $p<0,05$). Бу ҳолат ушбу тоифадаги аёлларда тананинг юкламаларга кўпроқ мослашганлиги билан изоҳланиши мумкин. Кейинги таълим даражаси таҳлили гурухлар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқларни кўрсатмади. Бироқ, витаминопрофилактика хусусиятларини ўрганишда, назорат гуруҳидаги аёллар ҳомиладорликнинг 7-ҳафтасигача витаминалар ва микроэлементлар (ВМВ) қабул қилишни сезиларли даражада эртароқ бошлаганлиги аниқланди (41,7% га нисбатан 16,7%, $OR=0,31$; $p<0,05$), бу эса ТРН хавфини камайтириди. Аксинча, ВМВни кеч бошлиш ёки умуман қабул қиласлик (12 ҳафтадан кейин) хавфнинг деярли уч баравар ошиши билан боғлиқ эди ($OR=2,81$; $p<0,05$). Шунингдек, назорат гуруҳидаги аёллар фолий кислотасини кўпроқ қабул қилганлиги аниқланди (77,2% га нисбатан 87,9%; $OR =0,48$; $p<0,05$), бу ТРН профилактикасида фолатларнинг маълум ролини тасдиқлади.

